

Бухоро табдиркорлари Германияда

К.Ж.Раҳмонов-БухДУ,

Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси,

тарих фанлари номзоди

Бухоро Халқ Республикаси билан Германия ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ўрнатиш тарихий зарурат туфайли келиб чиққан бўлиб тасодифий ҳол эмасди.

БХСР ҳукумати раҳбари Файзулла Хўжаев Бухорода Германия элчихонаси очишга кўп уринган ва у: «немислар зўр халқ, Германия кучли мамлакат, улар ҳар қандай вақтда ҳам ўз сўзини айта оладилар, бизда уларнинг элчихонаси очилса ва алоқаларимиз йўлга қўйилса, Россия ўз таъсирини ҳадеб тикиштираверишининг олди олиниши мумкин»¹-деган фикрларни билдирган. Файзулла Хўжаев Германия иқтисодий имкониятларини сарҳисоб қилиб чиққан эди. Йўқса, 1922 йилнинг ноябрда Берлиндан туриб Бухорога: «Оврўпа бозорларидан қувилиб, мустамлакалардан маҳрум қолғон олмон сармоясидан фойдаланиб... муштарак саноат ва тижорат ширкатлари ташкил этмоқ, шубҳа йўқ, зарар қилмасди»²-деб ёзмас эди.

Ҳукуматнинг биринчи раҳбари Бухоро Республикасида саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни янги технология билан қуроллантириш, янги каналлар чиқариш ишида немис сармоясидан фойдаланиш имконини кўра билган.

Бухоро Халқ Республикаси билан Германия ўртасида иқтисодий, савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатиш учун Бухоро ҳукумати Германияда яшовчи татар миллати вакили Олимжон Идрисий, ўз даврининг миллионери Амин Сулаймон, бухоролик яҳудий савдогар Эйделманлар воситачилигидан фойдаланганлиги манбалардан маълум. Жумладан, Ф. Хўжаевга яқин, маслакдош бўлган «Миллий иттиҳод» ташкилоти хазиначиси Мукомил

¹ Ф.Қиличев. Мустақилликнинг фожиали йўли //Шарқ юлдузи. 1992 йил.№ 7. –Б. 156.

² Файзулла Хўжаев. Берлин мактублари //Бухоро ахбори. 111-сон. 1922 йил 19 ноябрь.

Бурхоновда ушбу ташкилот олтин жамғармалари сақланган. У Бухоро-Германия ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш учун икки мамлакат орасида муттасил катнаб турган³. Лекин Бухоро Республикасининг иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқалари, хатто, маданий ҳамкорлиги ҳам РСФСР орқали амалга оширилди. Бу эса муносабатларнинг кенг миқёсда йўлга қўйиш имкониятини чеклаб турарди. Москвадаги Бухоро ваколатхонаси устидан совет ҳукумати катъий назорат ўрнатганди.

Ф. Хўжаевнинг «Берлин мактублари»дан: «Мен, маълумки, Олмонияга тижорат ишлари билан келмадим. (Файзулла Хўжаев Германияга асосан даволаниш ва талабалар ахволидан хабар олиш учун борган эди-К.Р.) **Фақат Масковдан савдо ҳайъатимиз келиб етса, бу масалада бир қадар ишлар қилар эдим**»⁴-деб ёзганди. Ёки, «Бухоро ахбори» газетаси маълумотларидан бирида: «Германия ҳукумати бизнинг Масковдаги вакилимизга мурожаат қилиб, қизил тилла ёки фабрика машиналари ва бошқа нарсалар баробарига ипак, пахта ҳамда қорақўл териси сўрағон. Ҳукуматимиз тарафидан Германиянинг бу таклифи мувофиқ топилиб, Германия сўрағон нарсаларни Масковга юбормак чораларига киришилғондур»⁵-деъ ёзилади. Юқоридаги иккала кўчирмадан ушбулар маълум бўладики, Германия-Бухоро алоқаларини ўрнатиш ва йўлга қўйишда совет Россияси пойтахти Москва шаҳри нафақат воситачи бўлибгина қолмай, айти пайтда назорат, кўрсатма бериш маркази ролини ҳам ўйнаган. Шу сабабли Бухоро Халқ Республикасининг Москвадаги ваколатхона бошлиғи Ато Хўжа большевик раҳбарлардан кўрсатма ва маслаҳатлар сўраб, мурожаат қилишга мажбур бўлганди. Бухоро ҳукумати раҳбарлари режасида эса Германия билан тўғридан-тўғри иқтисодий ва сиёсий алоқалар ўрнатиш истаги устунлик қиларди.

Файзулла Хўжаев Германияда бўлганида (1922 йил ноябр) немис даврий матбуоти: «Ф. Хўжаев Олмонияга сиёсий ва тижорий ишлар билан

³ Ф.Қиличев. Эслатилган мақола. –Б.160.

⁴ Ф.Хўжаев. Берлин мактублари //Бухоро ахбори. 111-сон. 1922 йил 19 ноябрь.

⁵ Иқтисодий алоқалар руқни. «Германиянинг бизга мурожаати» //Бухоро ахбори». 89-сон. 1922 йил 8 июль.

келган. Берлиндан Англияга, Италияга, Францияга, Бельгияга, Чехословакияга, Туркияга борадур эмиш»⁶-каби ўнлаб хабарларни босиб чиқарган.

Афсуски, ўша даврда чоп этилган немис газеталари материалларидан фойдаланиш имкониятимиз чекланган. Агар улар билан танишганимизда эди, мазкур масаланинг моҳияти янада чуқурроқ англашилган бўлар эди.

Бухоро Республикаси Германия давлати билан тижорат фаолиятини йўлга қўйиш, бу ҳамкорликни узлуксиз, истикболли давом эттириш йўлида ҳам амалий қадамлар қўяди. Германиядаги валюта маблағлари ҳисобига Берлиннинг Барбаросса кўчасидан тижорат ишлари мақсадида 5 қаватли бино сотиб олинган. Бухоро ҳукумати бу ерда Н. Наимовнинг ёзишича, зардўзлик, заргарлик, тикувчилик ва бошқа миллий санъат буюмларини қўйиб, халқаро кўргазма ташкил қилиш ва шу йўл билан икки мамлакат ўртасидаги тижорат алоқаларини янги пағонага кўтариш ниятида эди.⁷ Вали Қаюмхон (1902-1993 йй.) Бухоро Республикаси ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадида Германияга 3 кишидан иборат бухоролик тадбиркорларни юборганлиги, тижоратчилар Бухоронинг Берлиндаги меҳмонхонасига тўхтамасдан, шаҳар чеккасидаги хусусий пансионлардан бирида жойлаштирилганлиги, эрталаб эса уларнинг газдан заҳарланиб ўлганликлари ҳақида маълумот беради.⁸ Ушбу бухоролик тижорат вакилларининг фожиаи қисмати билан боғлиқ воқеалар тафсилоти Н. Наимов ҳамда Ш. Турдиев томонидан баён қилинган. Уларнинг фикрича, бир пайтнинг ўзида рус, немис, америка айғоқчиси бўлган Олимжон Идрисий Бухоро тужжорларининг ўлимига сабабчи бўлганлиги гумон қилинади.⁹

Хуллас, БХСР ҳукумати Германия-Бухоро ўртасидаги тадбиркорлар иштирокида кенг савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйиш учун амалий қадамлар қўйган эди.

⁶ Ўша жойда.

⁷ Н.Наимов. Берлиндаги суикасд //Бухоро ҳақиқати. 1997 йил 17 декабрь.

⁸ Вали Қаюмхон. Қийратилган қисматлар //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992 йил 24 апрель.

⁹ Қаранг: Ш.Турдиев. «Узбекистанские невозвращенцы» //Звезда Востока. 1993 год. №8; Н.Наимов. «Бухоро жадиdlари». Тошкент: «Фан», 2000 йил